



Ислом Нури

олмаслигини ато этдим» (Имом Муслим ривояти).

«...»

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни Олиядан (Мадинанинг бир томони) келдилар, Бани Муовия масжиди ёнидан ўта туриб, унга кирдилар ва икки рақъат намоз ўқидилар. Биз ҳам у зот билан бирга намоз ўқидик. Роббиларига узоқ дуо қилдилар, сўнг бизга юзланиб дедилар: «Роббимдан уч нарсани сўрадим, иккитасини берди ва биттасини бермади: Роббимдан умматимни қаҳатчилик билан ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, уни берди. Умматимни (ёппасига) сувга ғарқ қилиб ҳалок қилмаслигини сўраган эдим, уни ҳам берди. Бир-бирлари билан ўзаро урушмасликларини сўраган эдим, уни бермади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу умматнинг бир-бири билан ихтилофлари ва ўзаро жанг қилишларини хабар берарканлар, бу билан умматни бундан огоҳлантирдилар ва унинг ёмонлигидан



сақланишларини истадилар, бу нарса улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўйишидан хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммат ўзлари ўтганларидан кейин ихтилоф қилишлари хабарини берганлар;
2. Бу эса улар устига душманлари ғолиб бўлишларига сабаб бўлади;
3. Умматни ихтилофга берилишдан огоҳлантириш ва уларнинг сафларини ҳақ устида бирлаштиришга тарғиб.